

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАНЖИЕВ САМИЖОН АЛИҚУЛОВИЧ

**ВИРТУАЛ ДИДАКТИК МУҲИТДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши - 2021

УДК: 371.302:681.142 (021)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Панжиев Самижон Аликулович

Виртуал дидактик мухитда талабаларнинг техник тайёргарлигини
ривожлантириш методикаси.....3

Панжиев Самижон Аликулович

Методика развития технической подготовки студентов в виртуальной
дидактической среде.....17

Panjiyev Samijon Alikulovich

Methods of developing students' technical training in a virtual didactic
environment.....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works36

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАНЖИЕВ САМИЖОН АЛИҚУЛОВИЧ

**ВИРТУАЛ ДИДАКТИК МУҲИТДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1665 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Узаков Заир Узакович

физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович

педагогика фанлари доктори, профессор

Қаюмова Насиба Ашуровна

педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.)

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди. (2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.

(PhD), доцент

Ҳ.О. Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (Dsc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида юзага келган тезкор ўзгаришлар таълим тизими олдига замонавий мутахассислар тайёрлаш учун юқори сифатли таълим беришни таъминлайдиган мураккаб вазифаларни қўймоқда. Соҳада кечаётган интеграллашув жараёни шароитида виртуал таълимни амалга оширишга, жаҳондаги етакчи олий таълим муассасаларида яратилган электрон таълим платформаларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан очиқ виртуал таълим курсларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. MOOC (Massive Open Online Course, Оммавий очиқ онлайн курс), Coursera, MOODLE (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment, Модулли объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити) ҳамда виртуал дидактик муҳитни амалга ошириш соҳасидаги энг маҳсулдор лойиҳаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё таълим соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юқори технологик, таълимий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Виртуал таълим муҳити воқеликнинг тобора муҳим ижтимоий-маданий жараёнига айланиб бораётганига қарамай, унинг дидактик салоҳияти етарли даражада очиқ берилмаганлигича қолмоқда. Шу муносабат билан виртуал таълим муҳитини илмий асосда аниқлаш ва таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро стандартлар талабларига мос, рақобатбардош олий маълумотли кадрларни тайёрлаш мақсадида сўнгги йилларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш”¹. Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим олиш жараёнини такомиллаштиришда виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон) <https://lex.uz/docs/-5013007>

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш, ўқитишни ташкил қилишда таълим жараёнининг интерфаоллигини оширувчи замонавий усуллардан фойдаланиш, талабалар техник тайёргарлигини ошириш юзасидан А.А.Абдуқодиров², М.Х.Алламбергенова, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Ф.И.Закирова, Н.А.Муслимов³, Қ.Т.Олимов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, Ж.А.Ҳамидов ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида автоматлаштирилган таълим тизимларини яратиш, таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, очик ва масофадан туриб ўқитиш тизимларини ташкиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш А.А.Андреев, Н.В.Апатова, А.Г.Гейн, Б.С.Гершунский, А.П.Ершов, Е.И.Машбиц, Е.С.Полат⁴, И.В.Роберт, Е.Г.Скибицкийлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакат олимлари А.Бюль, М.Вейнстейн, Д.В.Иванов, Д.Ланье, А.Крокер ва бошқалар виртуал воқелик ҳақидаги замонавий фалсафий қарашларининг ривожлантиришда изланишлар олиб боришган.

Бу ва бошқа тадқиқотчилар ишлари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали сифатли оммавий очик таълимни ташкил этишга, узлуксиз таълим бериш концепциясини амалга ошириш муаммоси ва шахсга йўналтирилган таълим парадигмасида жамланган амалиёт билан боғлиқ кенг имкониятларни очиб беришга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АИФ-2/15 “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади виртуал дидактик муҳитнинг таълимий потенциалини аниқлаш ҳамда талабаларнинг техник тайёргарлиги даражасини ошириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография / Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Х., ред. М. Содикова. - Т. : Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145

3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. дисс. –Т., 2007. - 349 б.

4. Дистанционное обучение / Под ред. Е.С. Полат. - М.: ВЛАДОС, 1998. - 192 с.

дидактик муҳит эволюциясининг тарихий ва функционал таҳлили асосида “виртуал дидактик муҳит” тушунчасининг келиб чиқиши ва моҳиятини аниқлаштириш, унинг ривожланишини диахроник тарзда ёритиб бериш;

виртуал дидактик муҳит техник-технологик потенциал аспектларини аниқлаш;

виртуал технологиялар орқали маълумотларни узатиш ва қабул қилиш, умумий таркибий тузилмани ривожлантиришга қаратилган реал муҳитни имитация қилувчи самарали методларни ишлаб чиқиш;

виртуал дидактик муҳитни амалга оширувчи педагогик шарт-шароитларга асосланган ахборот-таълим тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аниқликлар киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида виртуал дидактик муҳитни ташкил этиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини виртуал дидактик муҳитни ташкиллаштириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда психологик-педагогик адабиётлар таҳлили, назарий-эмпирик материалларни синтез қилиш, тизимли ёндашувни амалга ошириш, математик моделлаштириш асосида муаммони ўрганиш, умумлаштириш, таълим амалиётида муаммонинг ҳолатини таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақил танқидий фикрлаш ва шахсни интеллектуал ривожлантиришнинг модулли объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити имкониятлари виртуал реаллик технологиялари асосида такомиллаштирилган;

виртуал дидактик муҳитда образларнинг визуал дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг методик тизими техник тайёргарлик даражалари ахборот алмашинувининг ташкилий тузилмасини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

виртуал дидактик муҳитнинг техник тайёргарлик потенциали, виртуал образларни визуал яратиш ҳамда реал ҳолатлар билан ишлаш имкониятлари, масофавий таълим шакллари “Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти” мобиль илова дастурлари асосида такомиллаштирилган;

виртуал таълимни ташкил этиш методикаси ўқув машғулотлари тузилмасини муаммоли ўқитиш технологиялари, таълим воситаларининг ўқув босқичлари ҳамда креатив компетентлиги каби аралаш модел шаклларининг интеграцияси асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

виртуал дидактик муҳитни векторли моделлаштириш учун ишлаб чиқилган методлар, шунингдек, виртуал дидактик муҳит потенциалидан фойдаланиш учун таклиф этилаётган методикалар таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, уларни амалий фаолиятда қўллаш натижавийлигини намоён этиши аниқланган;

виртуал таълим муҳитида талабаларнинг техник тайёргарлигини

ривожлантиришга хизмат қилувчи “MOODLE платформасида талабаларнинг техник тайёргарлигини ва тизимдан фойдаланиш самадорлигини оширишга мўлжалланган мобил илова” ва “Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти” номли мобил иловалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, педагогик тажриба-синов натижаларига математик статистика усуллари билан қайта ишлов бериш натижалари ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Виртуал дидактик муҳит” тушунчасининг киритилиши ва унинг диахроник таҳлили электрон таълим билан бевосита боғлиқ илмий тасаввурларни бойитади, бу тушунча виртуал технологияларининг дидактик потенциални амалга ошириш йўллари ва мазмунини очиқ беради, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш ва баҳолашга янги ёндашувлар ишлаб чиқишга имкон беради ҳамда таълимни виртуаллаштиришдан кутилиши мумкин бўлган натижалар ҳақида илмий фикрларни кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти виртуал технологиялар индивидуал тартибда таълим олишнинг самарали методларини аниқлашга ёрдам беради. Виртуал дидактик муҳитдан фойдаланувчилар аудиторияси кенглигига эътибор берган ҳолда, ўқув фаолиятини ўқув мақсадларига мувофиқ равишда ташкил этиш нуқтаи назаридан ўзига хос ёндашувни амалга оширувчи дастурий таъминотлар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш методикасига доир олинган илмий натижалар асосида:

талабаларнинг виртуал дидактик муҳитда техник тайёргарлигини ошириш имконини яратишга қаратилган таклифлардан №АИФ-2/15 “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 14 январдаги 89-03-188-сон маълумотномаси). Натижада виртуал реаллик технологияларининг дидактик потенциални аниқлаш имконини берган;

“Виртуал аудитория”, “Виртуал Кубик” каби модулли таълим технологияларини қўллаш амалиёти натижалари, талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантиришга оид тавсиялари “Цифровая экономика: управление информационными ресурсами” номли ўқув қўлланма мазмунига

сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 14 январдаги 89-03-188-сон маълумотномаси). Натижада виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш интеллектуал ва ахборот компетенцияларини ривожлантириш имконини берган;

талабаларнинг техник тайёргарлигини ва виртуал таълим тизимидан фойдаланиш самадорлигини оширишга оид таклифлар Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ва Грециянинг Хелленик халқаро университети билан ҳамкорликда 2019-2021 йилларда бажарилаётган Эрасмус+ дастурининг “Олий таълимда салоҳиятни ошириш”, “MechaUZ Project” лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 14 январдаги 89-03-188-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг техник тайёргарлигини ва виртуал таълим тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида, анжуман ва семинарларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 18 та илмий, илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий, 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Виртуал дидактик муҳит ва унинг назарий аспекти**” деб номланган бўлиб, унда виртуал дидактик муҳит замонавий дидактиканинг категорияларидан бири сифатида атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. “Виртуал таълим муҳити” тушунчасининг мазмуни компьютерлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган, инсон фаолияти ва виртуал реаллик мантиғи ўртасидаги ўхшашликни кўрсатадиган кўплаб янги иктисодий, сиёсий ва маданий ҳодисаларни ўрганишда кенг қўлланиладиган “виртуал реаллик” тоифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу атаманинг келиб чиқишини аниқлаштириш, унинг ривожланишини диахроник тарзда ёритиб

бериш, шунингдек, унинг замонавий талқинларининг турли-туманлигидан “виртуал реаллик” ва “виртуал дидактик муҳит” тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди.

Виртуал реаллик деганда компьютер технологиясини ва унинг маҳсулоти бўлмиш виртуал тасвирларни яратиш ва амалга ошириш воситалари ва усуллари мажмуасидан фойдаланиладиган ва юқори даражадаги ишончликка эга бўлган интерфаол виртуал муҳит тушунилади. Тадқиқот ишида “виртуал реаллик” атамасининг айнан шу тавсифидан фойдаланилган. Инсон учун виртуал реаллик ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминот асосида яратилган сунъий олам бўлиб, унга кириш ва унда мавжуд бўлиш тасаввури реал вақтда яратилади. Шуниси эътиборлики, кўп жиҳатдан виртуал реаллик ҳақиқий борлиқдан кўра, масалан, таълимда кўпроқ фойдаланилади.

Виртуал реаллик технологиялари компьютер технологиялари билан бир хил дидактик функцияларга эга, чунки улар умумий дидактик хусусият-интерфаолликка эгадир. Ҳар қандай электрон таълим воситаси билан ишлашда интерфаоллик куйидаги дидактик вазифаларни бажариш имкониятини очиб беради:

- таълимни табақалаштириш;
- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш⁵;
- билимлардаги бўшлиқларни тўлдириш учун талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим бериш жараёнида куйидаги дидактик вазифаларни бажариш мумкин:

талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолияти амалга ошириш;

ўқув фаолияти жараёнида ўзаро фикр алмашиш, мунозаралар, муҳокама, маслаҳатлар ўтказиш, хусусан, он-лайн тартибда.

Виртуал реаллик технологияларига хос бўлган бу дидактик функцияларни барча компьютерли таълим технологиялари учун умумий деб ҳисоблаш мумкин.

Виртуал реаллик технологияларидан фойдаланиш тадқиқот ишида қайд этиб ўтилган дидактик имкониятлардан ташқари, кўргазмали-образли, кўргазмали-ҳаракатли, интуитив, ижодий, назарий фикрлашни таъминлайдиган педагогик таъсирларни амалга ошириш имконини беради. Ўқув амалиётида виртуал реаллик⁶ технологияларидан фойдаланиш мавзуни лойиҳалаштириш, мавҳум тасвирларни яратиш, таълим олувчини ўрганилаётган объектлар, ҳодисалар ва атрофдаги воқеликларни моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш имкониятларини очиб беради.

Таълимни ахборотлаштиришнинг концептуал апаратини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларда сўнгги йилларда “ахборот муҳити”, “дидактик муҳит”, “ахборот-дидактик муҳит” ва “виртуал дидактик

5. Чоршанбиев З. Э. Ўқув-билиш фаолиятида электрон таълим муҳитидан фойдаланишнинг тавсифий моҳияти. // Муғаллим ҳем узлуксиз билимлендириў. Илимий-методикалык журнал. 2018 - № 3. Б. 39-42. (13.00.00 №20)

6. Шапиро Д.И. Основы технологии виртуальной реальности / Д.И. Шапиро. - М., ИКФ, 2003. - 347 с.

муҳит”⁷ атамалари кенг қўлланилмоқда. Мазкур тадқиқот контекстида “виртуал дидактик муҳит” атамаси асосий мазмунни ташкил этганлиги сабабли, у нимадан иборат эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, ахборот-таълим муҳити - бу таълим муассасалари ва бошқарув органлари, маълумотлар базаси, маҳаллий ва глобал ахборот тармоқлари, кутубхоналардаги китоблар тўпламлари, уларнинг мавзу-тематик, функционал ва ҳудудий манзили, меъёрий жиҳатдан тизимли равишда ташкил этилган ҳужжатлар тўплами, шунингдек, маълумотларни узатиш ҳамда қабул қилиш воситалари ва ахборот манбалари, дастурий таъминот ҳамда таълимни амалга оширадиган ташкилий ва услубий таъминотнинг жамланмасидир. Қайд этилганларга мос тарзда виртуал дидактик муҳит таърифи устида тўхталадиган бўлсак, унинг қуйидагича муаллифлик таърифини келтиришимиз мумкин: “анъанавий ахборот воситалари ва компьютер технологияларини, маълумотлар базаларини, виртуал кутубхоналарни, ўқув-услубий мажмуаларни, мослаштирилган ва кенгайтирилган таълимий аппаратни ҳамда педагогик тизим тамойилларини ўзида мужассам этган ахборот-таълим майдонидаги янги таълим муҳитидир”.

Виртуал дидактик муҳитни белгиладиган энг муҳим тамойиллар орасида тизимлилик ва очиқлик тамойиллари алоҳида эътиборга моликдир. Виртуал дидактик муҳит - бу очиқ, мослашувчан, индивидуаллаштирилган, инсон томонидан бутун ҳаёти давомида таълим олиши мумкин бўлган яхлит бир тизимдир. Ушбу тизим янги таълим технологиялари ва тузилмалари, ўқитишнинг янги методологиялари ва усуллари, ахборот-коммуникация технологияларининг янги воситаларидан иборатдир.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Талабалар виртуал мустақил таълимини ташкил этиш методикаси”** деб номланиб, унда виртуал дидактик муҳитда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш модели такомиллаштирилган. Виртуал дидактик муҳит моделини яратиш учун бир қатор муаммолар ҳал қилинган:

дидактик муҳитни моделлаштириш методини танлаш;

виртуал дидактик муҳит модели моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи энг муҳим параметрларнинг умумийлигини аниқлаш;

виртуал дидактик муҳитнинг ушбу параметрларини педагогик баҳолаш учун ташхислаш саволлари тизимини ишлаб чиқиш;

моделни тузиш ва унинг дидактик потенциалини аниқлаш.

Виртуал дидактик муҳитнинг индивидуал таълимга йўналтирилганлиги ўқув жараёнини таълим берувчига айлантиради, талабага ўқув материални ўзи учун қулай бўлган вақтда ва жойда ўрганишга имкон беради. Ўқув маълумотларининг визуаллаштирилганлиги таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун катта аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини виртуаллаштириш виртуал илмий нашрлар, виртуал илмий конференциялар ва

7. Чошанов М. А. Дидактическая инженерия: анализ и проектирование обучающих технологий. - Блумингтон, Индиана: Экслибрис, 2009.

интернетдаги виртуал университетларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Талабанинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган дидактик потенциалнинг таҳлили виртуал дидактик муҳитда ижодкорликни рағбатлантириш шартлари мавжуд деган хулосага келишга имкон беради.


Виртуал дидактик муҳит моделини лойиҳалаштириш учун таълим йўналишларининг Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалар ўрганиб чиқилди, фанлар бўйича ишчи дастурлар таҳлил қилинди, фанлар кесимида кафедралар ўқитувчилари билан суҳбатлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, виртуал дидактик муҳитни моделлаштириш жараёни унинг таркибий-функционал тавсифлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Виртуал дидактик муҳити модели қуйидаги блоклардан ташкил топди: мақсадли, назарий-методологик, мазмуний-жараёний ва ташкилий-натижавий блоклар (1-расм).

Мақсад блоки моделнинг тизимли ташкил этувчи компоненти бўлиб, мазкур блок виртуал дидактик муҳитда талабаларни виртуал тайёргарлигини амалга оширишни таъминлаб беради. Назарий-методологик блок талабаларнинг виртуал муҳит бўйича мутахассислик тайёргарлигини амалга оширишга қаратилган виртуал дидактик муҳит моделини яратишнинг назарий асосини тавсифлайди.

Виртуал дидактик муҳит шароитида ўқув курсини битирувчилари техник-технологик тайёргарлиги ҳолатининг муҳим жиҳатларини мазмуний-жараёний блок очиб беради.

Виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг мавзу юзасидан мустақил фикрларини ривожлантиришда “Виртуал аудитория” ҳамда “Виртуал Кубик” методларидан фойдаланиш самарали эканлиги асосланган. Хусусан, “Виртуал Кубик” методидан фойдаланиш берилган масалани турли томондан, кадамма-кадам, оддийдан мураккабга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини бериши кўрсатилган.



1-расм. Виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш модели.

Диссертация ишининг учинчи боби “**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш методикаси**” деб номланиб, унда виртуал дидактик муҳитда талабалар техник тайёргарлигини ривожлантириш методикасининг амалий тадбиғи ва унинг натижалари ёритиб берилган.

Талабаларнинг виртуал дидактик муҳит дидактик потенциалига қарашлари ва муносабатларини аниқлаш бўйича эмпирик тадқиқот доирасида махсус ташкил этилган тадбирлар ўтказилди. Талабалар ўртасида ўтказилган сўровлар назарий хулосаларни амалда тасдиқлади. Сўровнома мақсади талабалар аудиториясининг виртуал муҳитда таълим олиш жараёнига тайёрлигини эмпирик ўрганиш, ишлаб чиқилган талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш модели изчиллиги ва амалийлигини асослаш, виртуал дидактик муҳитда ўқув жараёнини ташкил этишда мавжуд камчиликларни аниқлаш, тақдим этиладиган дидактик имкониятларга талабаларнинг муносабатини аниқлашдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Бухоро муҳандислик технология институти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали бакалавриат таълим йўналишлари ўқув жараёнига 2017-2018, 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йиллари давомида уч босқичда олиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳларида жами 732 нафар талаба қатнашди. Шундан, Бухоро муҳандислик технология институтида ўтказилган тажриба-синов ишларида 128 нафар (назорат гуруҳларида 60 нафар ва тажриба гуруҳларида 68 нафар), Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиалида 286 нафар (142 ва 144 нафар), Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 318 нафар (160 ва 158 нафар) талаба қатнашди. Тадқиқот потенциал аудиторияни қамраб олишини таъминлаш мақсадида, респондентлар турли йўналишлар ва ҳар хил курслар талабаларидан ташкил топди. Биринчи гуруҳ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг талабаларидан, иккинчи гуруҳ Бухоро муҳандислик технология институти талабаларидан, учинчи гуруҳ Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали талабаларидан ташкил топди. Анкета саволлари ҳар бир талабанинг қобилияти, мойиллиги, қизиқишлари, қадриятлари ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда виртуал муҳитда таълим олишга ўз муносабатини билдириш имкониятини яратадиган тарзда тузилди.

Талабаларнинг ўз устида ишлаши даражасини ўрганиш мақсадида виртуал сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома натижасида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик: аксарият талабалар ўз устида ишлаш қобилияти ва кўникмасининг шаклланганлик даражаси анча паст эканини кўрсатишди; 35,5 фоиз респондентларда ўртача даража аниқланди; умумий талабалар сонининг 25,2 фоизда эса юқори даража қайд этилди.


Тажриба-синовни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида, яъни қайд этувчи, шакллантирувчи ва натижавий босқичларига мос равишда дастлабки, жорий ва якуний ташҳислаш ишлари олиб борилди. Унда қуйидаги методлардан фойдаланилди: таълим жараёнининг боришини кузатиш, суҳбат, анкета сўровномаси, умумлаштириш ва олинган маълумотларнинг қиёсий

таҳлили, тажриба-синов ишлари натижаларини Фишернинг статистик мезонларини татбиқ этган ҳолда сифат ва миқдорий таҳлили.

1- жадвал

Тажриба-синов ўтказилган олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар

ОТМ номлари	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида талабалар сони	%	Тажриба охирида талабалар сони	%	Тажриба бошида талабалар сони	%	Тажриба охирида талабалар сони	%
ОТМлар бўйича умумий натижалар	55	14,9	111	30,0	40	11,0	45	12,4
	112	30,3	163	44,1	110	30,4	130	35,9
	170	45,9	96	25,9	176	48,6	169	46,7
	33	8,9	0	0,0	36	9,9	18	5,6



2-расм. Тажриба-синов ўтказилган олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалари диаграммаси.

Тажриба-синов натижаларидан таълим жараёни самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Демак, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори экан. Синов натижаларига таяниб, ишонч билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан жорий қилинган виртуал дидактик муҳитда талабаларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш методикаси самара берганлиги ҳақида хулоса келиб чиқади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни қайд этишга имкон беради:

1.Замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида яратилган виртуал дидактик муҳит интерфаол муҳит бўлиб, юқори даражадаги ишончликка эга виртуал ўқув курсларини яратиш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради.

2.Интерфаоллик туфайли виртуал реаллик бошқа воқелик билан, шу жумладан улардан онтологик жиҳатдан мустақил бўлган ҳолда вужудга келадиган воқелик билан ўзаро таъсирлаша олади.

3.Виртуал реаллик технологияларидан кенг фойдаланиш мустақил танқидий фикрлаш ва шахснинг интеллектуал ривожланиши учун ноёб имкониятларни очиб беради.

4.Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши янги ахборот-таълим технологияларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи, ўқув жараёнининг барча иштирокчиларининг фаол, интерфаол алоқалари орқали самарали ўқишни таъминлайдиган, очиқ тизим сифатида кўриб чиқилиши дидактик назарияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мумкин бўлган виртуал таълим муҳитининг ўз-ўзидан ва мақсадга мувофиқ ривожланишини англатади.

5.Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган виртуал реаллик интерфаол таълим виртуал муҳитини яратади, улар виртуал тасвирларни яратиш ва амалга ошириш усуллари ҳамда улар билан фаол ўзаро таъсир ўтказиш учун фойдаланади ва юқори даражадаги ишончликка эга. Ҳозирги босқичда ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва айни пайтда мақсадга мувофиқ ривожланиши аниқ кўринадиган виртуал дидактик муҳит таълим тизимини барча субъектларининг фаол, интерфаол муносабатлари асосида оммавий самарали таълим беришга қодир бўлган янги ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи очиқ тизимдир.

6.Ушбу ишда ишлаб чиқилган мантикий ва математик моделларнинг таҳлили бизга виртуал дидактик муҳитни дунёнинг ривожланиши ва ўзгариши, ўз-ўзини англаш, очиқлик, шунингдек, фикр эркинлиги билан ажралиб турадиган эркин ва фаол шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришнинг типик ижодий муҳити сифатида типларга ажратишга имкон беради.

7.Виртуал дидактик муҳитида устунлик интерфаол мустақил таълим олиш усули бўлиб, у доимий равишда ўзаро муносабатни, ўқитиладиган фанлар ва улар ўртасида узлуксиз алоқада бўлган фанларни ўқитиш ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олади. Виртуал дидактик муҳитда ахборот таълим технологиялари асосида амалга ошириладиган турли хил мустақил фаолият турларини, шу жумладан, ахборот-таълим, экспериментал тадқиқотлар, илмий ва амалий фаолиятларни амалга оширишга қаратилган педагог, талабалар ва атроф-муҳит ўртасидаги фаол ахборот ўзаро муносабатлари жараёнига ёрдам берадиган шарт-шароитлар мажмуи амалга оширилади.

8.Эмпирик тадқиқот доирасида виртуал дидактик муҳит таклиф этилаётган моделларининг ҳаётийлиги ва амалийлигини тасдиқловчи миқдорий кўрсаткичлар олинди.

Жамиятни виртуаллаштириш ва ахборотлаштириш шароитида виртуал дидактик муҳитни моделлаштириш нафақат замонавий таълим муҳитининг дидактик потенциалини очиб бериш, балки уни амалиётга тадбиқ этишга ҳисса қўшиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03 / 04.06.2020.Ped.70.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПАНЖИЕВ САМИЖОН АЛИКУЛОВИЧ

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ТЕХНИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ
СТУДЕНТОВ В ВИРТУАЛЬНОЙ ДИДАКТИЧЕСКОЙ СРЕДЕ**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (Информатика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Ped1665.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.qarshidu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Узаков Заир Узакович**
кандидат физико-математических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Каххоров Сиддик Каххорович**
доктор педагогических наук, профессор

Каюмова Насиба Ашуровна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 при Каршинском государственном университете «___» _____ 2021 года в ___ часов. Адрес: 180100, г. Карши, ул. Кучабог, 17 Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно - ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована под _____). Адрес: 180100, г. Карши, ул. Кучабог, 17 Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021 г.).

Р.Д.Шодиев

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

И.Б. Камолов

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по
педагогическим наукам, доцент

Х.О. Жураев

Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Большое внимание уделяется созданию открытых с точки зрения использования электронных образовательных платформ в ведущих высших образовательных учреждениях мира виртуальных образовательных курсов в условиях процесса интеграции, протекающего в данной сфере. Важное значение приобретает разработка самых продуктивных проектов в области реализации MOOC (Massive Open Online Course - Массовые открытые онлайн курсы), Coursera, MOODLE (Modular Object - Oriented Dynamic Learning Environment – Направленная на модульный объект динамическая образовательная система) и виртуальной дидактической среды.

В сфере мирового образования ведутся научные исследования, направленные на развитие высокотехнологичных образовательных компетенций с использованием современных информационных технологий. Несмотря на то, что виртуальная среда обучения становится все более важным социально-культурным процессом в действительности, ее дидактический потенциал остается недостаточно раскрытым. В связи с этим особое внимание уделяется определению на научной основе виртуальной образовательной среды и путей эффективного использования информационно-коммуникативных технологий в системе образования.

В целях коренного реформирования системы высшего образования в нашей стране, повышения качества подготовки кадров, подготовки соответствующих требованиям международных стандартов, конкурентоспособных кадров с высшим образованием в последние годы осуществляется широкомасштабная деятельность. «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования в целях развития образования и науки»¹. Актуальное значение имеет повышение возможностей качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, развитие технической подготовки студентов в виртуальной дидактической среде в процессе совершенствования образовательного процесса.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», П-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Законе Республики Узбекистан ЗРУ-637 от 23 сентября 2020 года «Об образовании», УП-6079 от 5 октября 2020 года «Об утверждении стратегии

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» // Национальная база данных законодательства, 24.09.2020 г., № 03/20/637/1313. - <https://lex.uz/docs/-5013007>

«Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» и других нормативных актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, духовном и просветительском развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по совершенствованию системы образования страны, использованию в организации обучения современных методов, повышающих интерактивность учебного процесса, повышению технической подготовки студентов осуществлены такими учёными, как А.А.Абдукодиров², М.Х.Алламбергенова, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Ф.И.Закирова, Н.А.Муслимов³, Қ.Т.Олимов, Р.Х.Хамдамов, Ж.А.Хамидов и другими.

В странах Содружества независимых государств (СНГ) решением проблем создания автоматизированных систем обучения, использования информационно-коммуникационных технологий в образовании, организации систем открытого и дистанционного обучения изучены такими учеными, как А.А.Андреев, Н.В.Апатова, А.Г.Гейн, Б.С.Гершунский, А.П.Ершов, Е.И.Машбиц, Е.С.Полат⁴, И.В.Роберт, Е.Г.Скибицкий.

Исследование развития современных философских взглядов о виртуальной действительности осуществлено такими зарубежными учеными, как А.Бюль, М.Вейнштейн, Д.В.Иванов, Д.Ланье, А.Крокер и другими.

Эти и другие работы исследователей посвящены раскрытию широких возможностей, связанных с организацией качественного массового открытого образования с использованием информационных и коммуникационных технологий, проблеме реализации концепции непрерывного обучения и сконцентрированной в парадигме личностно-ориентированного образования практикой.

